

УДК: 616.995.1.616.995.121

САМАРҚАНДВИЛОЯТИНИНУРОБОДТУМАНИДА ИТЛАРНИНГ ГЕЛЬМИНТЛАР БИЛАН ЗАРАРЛАНИШИ

Арзиев Хидир Юлдашович

в.ф.н, катта ўқитувчи (СамДВМЧБУ НФ, ветеринария кафедраси)

Tog'aymuradov Mansur Salomatovich

*(Institute of Termez agrotechnologies and Innovative Development,
Department of Zootenry, Veterinary Medicine and silkworm breeding)*

Резюме: В этой статье представлены данные по распространенности гельминтозов среди собак Нурабодского района Самаркандской области. Зараженность среди собаки составлял в 11,2 % Нурабодского района.

Калит сузлар: Ветеринария, паразит, гельминт, гижжасизлантириш, ценуроз, эхинококкоз, профилактика, онкосфера, личинка, протосколекс, препарат, Пиперазин, Фебантел, Ареколин, Празиквантел, Бунамидин, Мебендазол, Нитросканат, Фенбендазол, Флубендазол, Оксibenдазол, Тетрамизол, Ивермектин, Политрем.

КИРИШ

Итлар инсонларга тез ўрганувчан ҳайвон ҳисобланади. Шунинг учун ҳам итлар уй ҳайвонлари дейилади. Одамлар итлардан кўпинча кўриқлаш мақсадида фойдаланиб келган, лекин итларнинг ноёб хусусиятлари туфайли ҳозирги вақтда турли хил вазифаларда фойдаланилади. Масалан: Божхона постлари ва чегара ҳудудларида гиёҳванд моддалар, ҳамда портловчи моддаларни излаб топиш, жиноятчиларни изларини топиш, ҳарбий объектлари кўриқлаш учун сақланса, одамлар ўз уйларида ҳовлини кўриқлаш, баъзилар эса ит ўриштириш учун айрим одамлар иштиёқ туфайли ҳам итларни парваришлайди. Сақланаётган итларнинг фойдали томонлари билан бир қаторда уларнинг зиён келтирадиган томонлари ҳам йўқ эмас. Итлар бир қанча паразитар ва юқумли касалликлар қўзғатувчиларини ўзида олиб юриб доимий равишда тарқатиб туради. Итлар кўпинча одамларга эркаланиб суйкалганида паразит тухумларини ўтказиши мумкин, лекин асосан итлар нажас чиқарганда кўкатлар, полиз экинлари, мевалар, тоқлар, қишлоқ хўжалик экинлари экилган майдонларга бориб бирор нарсага ўзи билан олиб юрган гельминт тухумларини юқтиради. Одамлар гельминт тухумлари билан зарарланган маҳсулотларни истеъмол қилганда паразит тухумлари билан зарарланади ва кейинчалик гельминтлар миграцияси ҳамда ривожланиш циклига мувофиқ одамларда касаллик аломатлари пайдо бўлади. Гельминтоз касалликлари итлардан одамларга юқишини бундан бир неча юз йиллар олдин одамлар англаб етганлар ва итлардаги гельминтларни

тушириш, яъни гижжасизлантириш учун отларни ёли ва думидаги қилни, одамларни сочларини майдалаб ва айрим антигельминтик хусусияти бор ўсимликларни итларга едириш усулларида фойдаланганлар. Кейинги йилларда фаннинг ривожланиши натижасида итларнинг гельминтозларига қарши бир неча юзлаб антигельминтиклар кашф қилинди ва уларнинг қўллаш схемалари ишлаб чиқилди.

Итларни гижжасизлантириш схемалари тўғрисида олимлар орасида хилма-хил фикрлар мавжуд. Баъзи олимлар гижжасизлантириш схемаси ва муддатлари паразитни ривожланиш қонуниятига, айримлари тарқалиш ҳолатига қараб белгиланиши, бошқалари эса иқтисодий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ўтказишни тавсия этадилар. Ҳар қандай ҳолатда ҳам гижжасизлантиришда ит организмидан паразит гижжаларни ташқарига чиқариш талаб этилади. Натижада итлар орқали тарқалаётган бир қанча биогельминтларнинг тараққиёт занжири узилади ва ҳайвонлар орасида зарарланиш камаяди.

Ўзбекистонда итларни гижжасизлантириш бўйича илмий тадқиқот ишлари XX асрнинг ўрталаридан бошлаб ривожлана бошлади. М.И.Сополченко (1939 й.) Сурхондарё вилояти “Оққопчиғай” қоракўлчилик хўжалигида итларни йилига уч марта, яъни апрель, июль ва сентябрь ойларида гижжасизлантириб, қўйлар орасида ценуроз ва эхинококкоз касалликларини кескин камайитиришга эришган.

В.И.Еремин (1951 й.) маълумотларига кўра Туркменистон шароитида отар итларини йилига 4 марта баҳор, ёз, куз ва қиш фаслларида гижжасизлантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Г.И.Ронжина (1953 й.) Россия Федерациясининг Саратов вилоятида олиб борган тадқиқотлар жараёнида ҳайвонлар ва одамлар орасида ценуроз ва эхинококкоз касалликларини тарқатмаслиги учун итларни йилига 4 марта, яъни март, май, август ва ноябрь ойларида гижжасизлантириб, яхши натижаларга эришганлиги ҳақида ёзадилар.

Профессор В.И.Пухов ва И.И.Зинченколар (1958 й.) Россия федерациясининг Ставропол ўлкасида ўтказган тадқиқотлари натижаларига таяниб ҳайвонларни ценуроз ва эхинококкоз касалликларидан сақлаш мақсадида итларни йилига 8 марта, яъни ҳар қирқ беш кунда гижжасизлантириб, бориш илмий нуқтаи назардан тўғри деб ҳисоблайдилар ва чорвачилик хўжаликларига даврий равишда ўтказиб туришни тавсия қиладилар.

М.А.Аминжонов ва Б.Н.Ҳакимов (1990 й.) маълумотларига кўра Ўзбекистон Республикасининг Самарқанд, Қашқадарё, Навоий ва Бухоро вилоятлари қоракўлчилик хўжаликларига итларни йилига 4 марта гижжасизлантирилганда яхши натижаларга эришганлигини таъкидлайдилар.

И.А.Архипов (2001) маълумотида кўра гўштхўр ҳайвонларни гижжасизлантириш учун Пиперазин, Фенасал, Празиквантел, Пирантел,

Ареколин, Бунамидин, Мебендазол, Нитросканат, Фенбендазол, Флубендазол, Оксibenдазол, Фебантел, Тетрамизол, Ивермектин, Политрем каби антгельминтиклардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

И.А.Субботина, Б.Н.Бакыев (2018) маълумотларига қараганда Туркменистонда итлар эхинококклар билан 28-57 фоизгача, мультицепслар билан эса 13-23 фоизгача зарарланган.

О.Н.Андреянов (2018) маълумотида кўра Россия Марказий Федерал округининг жанубий шарқий қисмида йиртқич сут эмизувчилар ҳар хил турдаги гельминтлар билан 37,5-50,0 фоизгача зарарланган. Умумий гельминтлар билан зарарланиш 49,4 фоизни ташкил қилган.

Б.К.Лайпанов (2018) маълумотида кўра итларни йилига 4 марта гижжасизлантириш ҳам инсонларни эхинококкоз касаллигидан сақлашни тўлиқ таъминлай олмайди. Эхинококкоз билан касалланган бир одамни даволаш учун Россия шароитида 15000 россия рубль, фақат жарроҳлик йўли билан эхинококк пуфагини олиб ташлаш учун 800-1400 АҚШ доллори сарфланади.

Итларни гижжасизлантириш борасида фақат уларнинг муддатларига қараб эмас, ҳайвонларни балки гижжасизлантириш учун ишлатидаётган антгельминтиклар таъсир доирасига қараб ҳам тавсия этилади. Ишлаб чиқариш шароитида синовдан ўтган юқори самарали антигельминтикларни қўллаш орқали антропозооноз гельминтозларни олдини олишга эришиш мумкин.

ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ МАҚСАДИ:

Нуробод туманининг чўл яйлов минтақасида итларни цестодозлар ва бошқа гельминтозлар билан зарарланиш даражасини ўрганиш ва уларга қарши самарали антигельминтикларни синовдан ўтказиш.

ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ:

1. Нуробод туманида итларнинг гельминтлар билан умумий зарарланишини аниқлаш.

2. Итларда паразитлик қилаётган гельминт турларини аниқлаш.

Тадқиқот метериаллари ва усуллари: Тажрибалар Самарқанд Нуробод туманига қарашли “Жарқудуқ”, “Чангали” қишлоқларидаги аҳоли қарамоғидаги 250 бош қишлоқ итларида олиб борилди. Итларни гижжасизлантириш М.Аминжанов (1987) усулига кўра ўтказилди. Гижжасизлантириш учун водород бромидли ареколин препаратининг 0,01 фоизли сувли эритмаси ишлатилди. Препарат эритма ҳолида итларга ҳар кг тирик оғирлигига нисбатан 5 мг миқдорида ит боғлиқ ҳолида оғиз орқали (per os) берилди. Сўнгра итлар ахлати билан гельминтларни организмидан ташқарига чиқарганидан сўнг бўшатиб юборилди. Ажратилган гельминтлар алоҳида идишларга йиғиб олинди. Итларни ахлати паразит тухумлари билан биргаликда йиғиштирилиб куйдириб йўқотилди.

Тадқиқот натижалари: Текширилган итларнинг гельминтлар билан зарарланиш натижалари № 1 жадвалда келтирилган.

Итларни гельминтлар билан зарарланиши

№	Қишлоқ номи	Текширилган ит сони	Зарарланит сони	фоиз	Топилган гельминтлар					
					Эхинококк		Мультицепс		Т.гидатигена	
					сони	фоиз	сони	фоиз	сони	фоиз
1	Жарқудуқ	135	9	6,6	-	-	3	2,22	6	4,44
2	Чангали	115	19	16,5	2	1,73	4	3,47	13	11,3
	Туман бўйича	250	28	11,2	2	0,8	7	2,8	19	7,6

Жадвал №1

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Нуробод туманидан текширилган 250 бош итлардан 28 бошида (11,2 фоиз) гельминтлар кузатилди. Шундан 2 бошида эхинококк (0,8 фоиз), 7 бошида мультицепс (2,8 фоиз), 19 бошида Т. гидатигена (7,6 фоиз)лар топилди. Жарқудуқ қишлоғидан текширилган 135 бош итлардан эхинококклар топилмади, 3 бошида (2,22 фоиз) мультицепслар, 6 бошида (4,44 фоиз) Т.гидатигена, Чангали қишлоғидан текширилган 115 бош итлардан 2 бошида (1,73 фоиз) эхинококклар, 4 бошида (3,47 фоиз) мультицепслар, 13 бошида (11,3 фоиз) Т.гидатигена гельминтлари борлиги аниқланди. Итларни гижжасизлантириш чоғида водород бромидли ареколин препаратининг ҳеч қандай ножуя таъсири кузатилмади.

Нуробод туманида итлар орасида *E. granulosus*, *M. multiceps* ва *T. hidatigena* гельминтлари тарқалганлиги аниқланди. Топилган гельминтлардан эхинококк ва мультицепсларга нисбатан Т.гидатигена билан (7,6 фоиз) зарарланиш нисбатан юқори эканлиги қайд қилинди.

Хулоса: 1. Нуробод тумани, яъни чўл-яйлов минтақасида итларнинг гельминтлар билан зарарланиши 11,2 фоизга тўғри келди.

2. Нуробод туманида итлар орасида *E. granulosus*, *M. multiceps* ва *T. hidatigena* гельминтлари тарқалганлиги аниқланди.

3. Текширилган итларнинг гельминтлар билан зарарланиш даражаси эхинококклар (0,8 фоиз), мультицепслар (2,8 фоиз), Т. гидатигеналар (7,6 фоиз) га тенг бўлди.

ҒОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аминжонов М.А., Хакимов Б.Н. и др. Опыт борьбы с ларвальными цестодозами в каракулеводческих хозяйствах. // Ветеринария 1990. № 9. С.-50-51.

2. Андреянов О. Н. «Токсакороз плотоядных в условиях естественного биоценоза». /Сборник научных трудов. Международной учебно методической и научно-практической конференции, посвященной 140-летию со дня рождения академика К.И.Скрябина. 15-16 ноября 2018 года. С-46-49.

3. Архипов И.А. «Особенности применения антгельминтиков на разных видах животных». /Труды Всесоюзного института гельминтологии. Им. К.И.Скрябина. 2001 г. том 38. С -3-24.

4. Еремин В.И. Борьба с ценурозом (вертячкой) овец. // Каракулеводство и звероводство. 1951. № 6. С. 62-64.

5. Лайпанов Б.К. «Эхинококкоз как мировая эпизоотическая, социально-экономическая и медико-биологическая проблема, пути её решения». / Сборник научных трудов. Международной учебно методической и научно-практической конференции, посвященной 140-летию со дня рождения академика К.И.Скрябина. 15-16 ноября 2018 года. С-186-190.

6. Сополченко М.И. Опыт оздоровления овцеводческого хозяйства от эхинококкоза и ценуроза. // Ветеринария 1939. № 5. С.-51.

7 Субботина И.А., Бакыев Б.Н. «Эхинококкоз и ценуроз овец-современное состояние. Проблемы в Туркменистане». / Сборник научных трудов. Международной учебно методической и научно-практической конференции, посвященной 140-летию со дня рождения академика К.И.Скрябина. 15-16 ноября 2018 года. С-306-310.

8. Пухов В.И. и Зинченко И.И. Пути осуществления ликвидации ценуроза и эхинококкоза с последующей девостацией их возбудителей. // Бюллетен науч. Тех. информ. ВИГИС № 2 . 1958. С.-35-38.

9. Ронжина Г.И. Ранняя диагностика ценуроза овец. Работа по гельминтология к 75-летию К.И.Скрябина. 1953. С-587-597.